

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

ИКРОМОВ МАҚСУД ҚИЛИЧ ЎҒЛИ

5110900 - ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА
БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН « **МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ
ШАРОИТИДА БОЛАЛАРНИ ПСИХОСОЦИАЛ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ** » МАВЗУСИДА
ЎЗГАН

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ГулДУ “Педагогика ва психология”
кафедрасининг _____ йилдаги
____-сонли мажлис қарори билан ҳимояга тавсия этилди.

Кафедра мудири: доц. М. Холназарова

Раҳбар: психол.ф.н. доц. М. Холназарова

Бажарувчи: ИКРОМОВ .М

ГУЛИСТОН – 2018

Битирув малакавий иш Гулистон давлат университетининг 2018- йил ____-апрелдаги ____-__-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг йиғилишида муҳокама қилинди ва “____” балл билан (_____) баҳоланди.

(аъло, яхши, қониқарли)

Битирув малакавий иш “Педагогика факултети”нинг 2018-йил “____” _____даги ____- сонли Илмий-услубий кенгаши қарори билан Давлат аттестацияси комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия етилди.

Факултет декани:

М.Маматқулов

Битирув малакавий иш “Педагогика ва психология” кафедрасининг 2018 йил “____” _____даги ____—сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия етилди.

Кафедра мудири:

М. Холназарова

БМИ бажарувчи 5110900 - “Педагогика ва психология” таълим йўналиши 32-14 гуруҳ талабаси _____ М. ИКРОМОВ

Раҳбар: п.ф.д.проф. _____ психол.ф.н. доц. М. Холназарова

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	4
I-БОБ. Меҳрибонлик уйи шароитида болаларни психосоциал қўллаб-қувватлаш муаммосининг назарий асослари.	
1.1. Болалар уйи ва мактаб-интернат тарбияланувчиларининг ижтимоий мавқеи ва уларнинг психологик хусусиятлари.....	8
1.2. Психосоциал саломатлик ва унинг кўрсаткичлари.....	16
II- Боб Интернат тарбияланувчиларининг ижтимоий мослашуви.	
2.1. Интернат тарбияланувчиларининг мослашувига ижтимоий-психологик ёрдам.....	26
2.2. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ижобий фазилатларини шакллантириш.....	34
III- Экспериментал тадқиқот натижалари.	
3.1. Тадқиқотда ишлатиладиган методикалар ва уларнинг тавсифи.....	39
3.2. Меҳрибонлик уйи шароитида болаларни психосоциал қўллаб-қувватлаш ўрганиш методиклари амалий таҳлили.....	42
Хулоса ва тавсиялар.....	45
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	47
Иловалар.....	50

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб ҳукуматимиз кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошириш тўғрисида ғамхўрлик қила бошлади. Бу ғамхўрлик, албатта, меҳрибонлик уйларига берилаётган эътибор билан бевосита боғлиқдир.

Меҳр-мурувватга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги “Меҳр-мурувват тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинган. Унинг мақсади жамиятда дўстлик, бағрикенглик, халқлараро тотувлик фуқаролар, айниқса ёшларнинг яхши ахлоқий ҳислатларини ривожлантиришдир.

Меҳрибонлик уйлари етим-есир болалар ва ота-онаси қаровидан ҳамда оила муҳитидан маҳрум бўлган болалар учун Давлат интернати тамойилидаги таълим-тарбия муассасасига айлантирилди ҳамда давлат тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам, таълим-тарбия тизимининг йўналиш ва тамойиллари жиҳатдан ҳам, хўжалигининг таъминоти жиҳатдан ҳам, тиббий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ҳам давлат томонидан таъминланади. Қолаверса, уларнинг барча ҳуқуқлари махсус қонунлар орқали кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида шундай дейилган: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”¹. “Боқувчисидан маҳрум бўлганда” сўзлар бирикмасига “Отаси ёхуд онаси вафот қилган болалар” маъноси

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012 й

юклатилган. Ва айти чоғда, ўша сўзлардан ота-онасидан маҳрум бўлиб, боқувчисиз қолган етим болаларни ҳам тушуниш мумкин².

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда меҳрибонлик уйи муаммоси алоҳида тадқиқ этилган қатор ишлар мавжуд. Жумладан, Э.Тўхтамуродовнинг “Болалар уйларида тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик асослари”³ мавзусидаги номзодлик диссертациясида етим болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммоси тадқиқ этилган бўлса, Ў.Аскаронинг “Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари”⁴ мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўсмир ёшидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида миллий ғурур туйғусини ривожлантириш муаммоси назарий-амалий жиҳатдан ўрганилган. Г.Юсупова “Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси”⁵ мавзусидаги номзодлик диссертациясида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологиясини ишлаб чиқилган. Психолог олимларимиздан Г. Якубованинг “Мақтабгача ёшда когнитив ривожланишга депривация таъсирининг психологик хусусиятлари” мавзусидаги(PhD) диссертациясида Гулистон шаҳридаги “Болалар шаҳарчаси” тарбияланувчиларида психик депривация таъсирининг психологик асослари ишлаб чиқилиб такомиллаштирилиб назарий-амалий жиҳатдан ўрганилган.

Бироқ меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини психосоциал қўллаб қувватлаш муаммоси алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида

² Аскарова Ў. Миллий ғурур тарбияси: (Меҳрибонлик уйлари мисолида). – Т.: Ўқитувчи, 2003 й.

³ Тўхтамуродов Э. Болалар уйларида тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий ва педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 1995. – 151

⁴ Аскарова Ў. Миллий ғурур тарбияси: (Меҳрибонлик уйлари мисолида). – Т.: Ўқитувчи, 2003.

⁵ Юсупова Г.Р. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. – Т., 2011. – 24 б.

ўрганилмаган. Ана шу сабабли биз битирув малакавий ишимиз мавзусини **“Меҳрибонлик уйлари шароитида болаларни психосоциал қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номладик.

Тадқиқотнинг мақсади: Меҳрибонлик уйлари шароитида болаларни психосоциал қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти: Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари.

Тадқиқотнинг предмети: Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини психосоциал қўллаб-қувватлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари муаммоларига бағишланган психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари психологик хусусиятларини аниқлаш .
3. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида психосоциал қўллаб-қувватлашни шакллантиришга доир тажриба синов ишлари мазмунини ёритиш ва натижаларини умумлаштириш.
4. Меҳрибонлик уйи тарбиячилари ва педагогларига тарбияланувчиларни психосоциал қўллаб-қувватлаш бўйича психологик-педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Агар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини психосоциал қўллаб-қувватлаш шакллантиришда:

- меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида психологик шарт-шароитлари ёритиб берилса;
- меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида психосоциал қўллаб-қувватлашнинг шакллантириш мазмун моҳияти, вазифалари, тизими очиб берилса;
- меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини психологик имкониятлари янада ёрқин намоён бўлади.

Тадқиқот методлари :

- илмий – назарий, тарихий, педагогик-психологик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- психологик эксперимент;
- социологик сўровлар, кузатув, суҳбат, математик-статистик таҳлил, тажриба ишлари натижаларини ишлаб чиқиш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг методологик асоси : Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида ёшлар тарбиясига доир илгари сурилган ғоялари, Шарқ мутафаккирларининг ёшлар мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришга оид қарашлари мазмунидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти: тадқиқот натижасида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини мазмуни, методларига эга бўлади.

Тадқиқотнинг натижаларидан меҳрибонлик уйи тарбиячилари, методистлари, меҳрибонлик уйлари муаммолари юзасидан илмий тадқиқот иши олиб бораётган илмий тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Тажриба – синов ишлари Гулистон шаҳар “Болалар шаҳарчаси” тарбияланувчилари билан олиб борилди.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иши уч боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат

I-БОБ. Меҳрибонлик уйи шароитида болаларни психосоциал қўллаб-қувватлаш муаммосининг назарий асослари.

1.1. Болалар уйи ва мактаб-интернат тарбияланувчиларининг ижтимоий мавқеи ва уларнинг психологик хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва ижтимоий тарбия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: «Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди»⁶.

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини психосоциал қўллаб-қувватлаш долзарб масала ҳисобланади. Болалар уйлари тарбияланувчиларининг муҳим фазилатлари сифатида ижтимоий ёрдамга муҳтожларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиш, ўзида фидойилик, олижаноблик, инсонпарварлик, меҳрибонлик каби сифатларни таркиб топтиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда муҳим анъаналардан бири меҳр-мурувват бўлиб, у қуйидаги қиёфаларда намоён бўлади:

- жамоанинг ғамхўрлиги, қўшнилари билан касал, кекса ва кам таъминланганларига ёрдам кўрсатиши;

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.61.

- ўзига тўқ кишиларларнинг кам таъминланган қариндошларига ва қўшниларига моддий ёрдам беришлари;
- оқсоқол ва маҳалла қўмитаси томонидан боқувчисини йўқотган ва қарияларга ёрдам кўрсатиши ва бошқалар⁷.

Болалар уйи ва мактаб-интернат тарбияланувчиларининг ижтимоий маънаси ва уларнинг психологик хусусиятлари етим ва ота-она қармоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимояси муаммоси бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган муаммога айланиб бормоқда. Махсус муассасаларда боланинг шахсий хусусиятлари ва ҳуқ-атвори шаклланиш муаммоси билан боғлиқ болани жойлаштиришнинг қулай шароитлари ва то 'лиқ ривожланишидаги имкониятларининг самарали шаклини ишлаб чиқиш, уларнинг ҳаётини яхшилаш, шу билан бирга ҳар томонлама меъёрида ривожланиши учун зарур имкониятларни яратиб бериш, болаларни барча ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилишини таъминланиш масаласи кенг амалий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Нафақат Ўзбекистон, балки ҳамдўстлик давлатларида қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган болаларни умумтарбиявий муассасаларга топшириш ва у йерда болаларни жамоатчилик тарзида тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шароитлар яратиб бериш анъанаси кенг жорий қилиб келинади. Шунга мувофиқ, жаҳон илмий дунёси намоёндалари айнан мазкур муассасаларда болалар яшайдиган шароит ва ҳаёт тарзининг улар руҳиятига нечоғлиқ таъсири мажудлигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлари натижаси етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ўзига хос хусусиятга эга еканлиги ҳақидаги илмий тасдиқланган ҳулосаларнинг пайдо бўлишига асос бўлган. Жумладан, меҳрибонлик уйи каби муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг тўлиқ

⁷ Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. –Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. -232 б.

ривожланиши учун олиб борилаётган ҳам педагогик, ҳам психолого-коррекцион тадбирларнинг салмоғи тўлиқ оила таркибида ўсиб-улғайиб келаётган тенгдошлари билан олиб борилаётган ҳам педагогик, ҳам психологокоррекцион тадбирларнинг салмоғи орасида катта тафовутлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ижтимоий, оталик ва оналик депривацияси шароитларида илмий-услубий ёндашувларнинг қай даражада сифатли бўлишидан қатъий назар мазкур тарбия муассасаларини битириб чиқаётган болаларнинг ҳаётга мослашуви ва жамиятга самарали интеграциялушуви жараёнида ўзига хос кемтикликни юзага келтираётгани бежиз эмас. Чунки тўлиқ ва ахлоқан, маънан етук оилада ўсаётган бола унинг заминида мавжуд бўлган ахлоқий меъёрларни, ижтимоий рол ва муносабатларни, ҳўжалик юритиш кўникмаларини, келгуси авлодни тарбиялаш малакаларини эгаллаб боради. 1987 йилдан бошлаб болалар уйлари (ҳозирги меҳрибонлик уйлари) ва мактаб интернатларда психолог штати жорий етилди. Ушбу ҳодиса оиладан ташқарида тарбияланаётган болаларнинг психик ривожланиши учун махсус психологик ёрдам зарурлигини тан олишни англатади. Меҳрибонлик уйлари ёки мактаб интернатлардаги психолог ишининг асосий йўналишлари, принцип ва методлари кўп жиҳатдан оддий мактабдагига ўхшаш бўлади. Бироқ шу билан бирга ушбу муассасалардаги психологлар иши ўзига хосликларга ҳам эга. Бу ўзига хослик, биринчидан, бундай тип муассасалардаги таълим тарбия жараёнининг ўзига хослиги, иккинчидан, болаларнинг психик ривожланишидаги ўзига хослик туфайли келиб чиқади. Шу нарса маълумки, илк болалик давриданок (1-3 ёш) интернат типигаги муассасаларда тарбияланаётган болалар бир қанча психологик хусусиятлари билан оилада тарбияланувчи болалардан фарқланадилар: баъзи хусусиятларда ушбу муассасаларда тарбияланувчи болалар оддий мактабдаги болалар билан баробар ва ҳатто, улардан

устунроқ бўлса, айрим хусусиятлари билан улардан ҳатто ўзидан кичик ёшдаги ўқувчилардан ҳам орқада қоладилар. Афсуски, бундай ҳолат бутун мактаб ёши даврида сақланиб қолади. Буни шу билан тушунтириш мумкинки, психологик ривожланишда орқада қолиш анча вақтли, мактабгача ёш давридаёқ вужудга келади. Уни бартараф етиш иши махсус муассасаларда етарли даражада олиб борилмаслиги оқибатида улар кейинги ёш босқичларида янада чуқурлашиб кетади. Меҳрибонлик уйлари ёки мактаб-интернатларда ишлай бошлар экан, психолог меъёрий ҳужжатларда кўрсатилганидек, қуйидагиларни амалга ошириши талаб етилади: ота-оналар қарамоғисиз қолган болалар билан меҳрибонлик уйлари ҳамда интернат типигаги муассасаларда олиб бориладиган психолог иши ушбу муассасалар тарбияланувчиларининг психологик жиҳатдан тўлақонли ривожланишини таъминлаш, шахс сифатида ва интеллектуал ривожланиш хусусиятларини, таълим тарбия жараёнидаги бузилишларнинг психологик сабабларини диагностика қилиш ва бундай бузилишларни бартараф етиш учун профилактик тадбирлар ўтказишга йўналтириши керак. Психолог бола ҳаётидаги рўй берган фожианинг бола психик ривожланишига таъсир этишини сусайтириш ва тегишли психологик методларни ўтказиш орқали бола шахси прогрессив шаклланишини таъминлаш лозим.

Ижтимоий иш касбий фаолиятининг барча йўналишларига назар солсак, улар орасида ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан иш олиб бориш алоҳида ўзининг хусусиятларига эгаки, бу ижтимоий ишчи ходимининг мажбуриятлари, ушбу касб эгасига алоҳида масъулият юклайди. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган боланинг ривожланишидаги эҳтиёжларини баҳолаш параметрлари аниқ амалга оширилишини тақозо этади. Бу борада чет ел тажрибасига таяниш

фойдадан холи бўлмайди. Чунки боланинг соғлиғи унга яратилган шароит билан боғлиқ бўлиб, доимий назоратни талаб қилади.

Маълумот – боланинг туғилганидан бошлаб, ақлий ривожланиши билан ўйнаш ва мулоқотга киришиш учун зарур бўлган имкониятларнинг мавжудлигини ҳам инобатга олади, бунда китоблардан фойдалана олиш имконияти, бошқа ёшга хос бўлган эга лланиши лозим бўлган кўникма ва малакаларнинг эга лланганлиги, ютуқ ва эришилган натижалар билан боғлиқ ҳис -туйғуларни кечира олиши. Ҳиссиётларнинг ривожланганлиги. Ҳис-туйғулар ҳамда хатти-ҳаракатлар орқали боланинг намоён етаётган муносабати назарда тутилади. Мансублик. Болада шаклланаётган шахсий индивидуалликка хос бўлган ва алоҳида бир бутун ҳамда кадрли инсонлигини ҳис қила олишини ўрганади. У ўз ичига қуйидагиларни олади: боланинг ўзига ва қобилиятларига нисбатан муносабатини, ўз образини қандай тасаввур қилиши ва ўзини қандай баҳолаши, ўзига нисбатан ижобий баҳонинг мавжудлиги. Бунга, шунингдек, ирқий, диний мансублигини, жинси, ёши, чэга раланган имкониятларини ҳам киритиш мумкин. Оилага мансублилик ҳисси, оила, тенгдошлари гуруҳи ва жамият томонидан қабул қилиниши (маданий мансублик ҳам) билан боғлиқ ҳис -туйғулар киради. Оила ва ижтимоий ўзаро муносабатлар. Ҳайрихоҳлик, ҳамдардлик ҳамда бошқа инсоннинг ўрнига кўя олиш имкониятининг ривожланиши. Ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи кишилар, ака-укалар, опа-сингиллар, яқин қариндошлар, кўни кўшнилари билан муқим ва ҳиссий илиқ шахслараро муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги, тенгдошлар ҳамда бола учун кадрли бўлган бошқа инсонлар билан дўстона муносабатларни ўрнатишнинг аҳамиятини, шунингдек, ўша инсонларнинг болага нисбатан муносабатини ҳам инобатга олиш зарур бўлади. Алоҳида эътиборни боладаги жисмоний имкониятларнинг чэга раланганлиги, унга таъсир кўрсатиши ёки ўзига хизмат кўрсатиш

кўникмаларининг ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ижтимоий шароитларнинг яратилганлигига қаратилиши лозим. Ижтимоий иш усулида оилавий терапия асосий манбалардан биридир. Оилавий терапиянинг муҳим хусусиятларидан бири шуки оила билан амалга оширилиши муҳим бўлган андозалар ушбу терапия орқали намоён бўлади. Оиланинг умумий кўриниши, фаолиятини белгилайди. Бизнинг республикамизда ҳам ана шу кўриниш ўзига хос ёндошиш билан олиб борилишини тақазо этади. Хориж тажрибасига таянган ҳолда бу борадаги фикримизни ойдинлаштирамиз. Италияда биринчи марта оилавий терапия қўлланилган. Мазкур ишнинг асоси патриархал рол ва мажбурият ҳисобланган. Оила билан ижтимоий тизим ёки яхлит организм сифатида иш олиб борилган. Қандай синфга, ирққа ва тузилишга қараб турли оилавий ҳаёт турлича қабул қилинади. “Меъёр”даги оила ҳақ ида гапириш қийин, ҳар бир оила ўз мулоқоти ва қадриятлари, ҳулқи ўзига хос намунага эга. Шундай экан, ижтимоий ишчининг вазифаси, “Бу оила қандай яшайди?” деган саволни тушиниши зарур бўлади. Ҳар бир оиланинг ривожланиш йўлида бир қанча ўткинчи даврларни босиб ўтади. Ҳар бир оилавий гуруҳни қайта қуриш, ўз аъзоларини яхлит таъминлаш демакдир. Болани исталган янги муҳитга, бу ўринда янги ва бола учун бутунлай бегона бўлган оилага жойлаштириш болада ўзига хос жароҳатли кечинмаларини уйғотиши сир эмас. Шу боис бу босқичда бола бошидан ўтказиши эҳтимол бўлган кечинмаларни унутмаган ҳолда бола ва тутунган оила билан иш олиб бораётган ижтимоий ходим ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндошиши лозим. Болани фостер (тутинган) оилага жойлаштириш режали жараён сифатида ташкиллаштиришига алоҳида эътибор бериш керак.

Бугунги кунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қийин ҳаётий вазиятда қолган оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш фаолияти

билан шуғулланувчи ижтимоий ходимларнинг фаолиятини фаоллаштириш, болаларни институционал, яъни жамоатчилик тарбия муассасаларига эмас, балки боланинг меъёрида ривожланиши учун намуна бўла оладиган оила таркибида тарбиялаш ресурсларини қидириш жамиятнинг келгусидаги раванқини таъминлаш учун олдиндан қўйилган таъмал тошидир. Хусусан, ижтимоий ходимлар – бу қийин ҳаётий вазиятда қолган оила ва болаларнинг танг ҳолатдан чиқиб кетишига салоҳиятини, ёрдамини аямайдиган, демакки, аҳолининг ўз фаровонлигига эришишида ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишида кўмаклашувчи профессионал мутахассисдир. АҚШ, Англия, Россия ва Украина каби давлатларда мавжуд аҳолини ижтимоий иш ходимлари каби мутахассисларнинг ёрдами асосида қўллаб-қувватлаш тажрибаси, бутун дунёда деинституционализация жараёнининг кескин тарзда кечишига асос бўлмоқда. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, муваққат характерга эга бўлган ва изчил равишда ишлаб чиқилган ҳимоялаш тизимида хизмат кўрсатиш ижтимоий ходим каби мутахассислар ҳамкорлиги ва ёрдамида ташкиллаштирилади. Сўнгги йилларда давлатимиз ижтимоий ҳимоя тизимига жорий этиб келинаётган ижтимоий иш ходимларининг аҳоли ўз ҳаётидаги ижтимоий ўзгаришларда салмоқли ҳиссалари мавжуд. Хусусан, оила ўрнини босувчи тутинган (фостер), яъни муқобил оилаларни тайёрлаш, мазкур оилада тарбия топаётган етим қолган болалар руҳиятига хос бўлган хусусиятларнинг ўзгаришини кузатиш, заруриятида тегишли ёрдамни кўрсатиш; уларнинг ҳаёт тарзларини ташкиллаштиришга салоҳиятли кўмак бериш; тутинган ота-онага психологик, ижтимоий ва педагогик ёрдам кўрсатиши функциясини бажарувчи ташкилотлар билан алоқа боғлаган ҳолда, чет ел тажрибасидан ва бизнинг ҳудуд имкониятидан келиб чиқиб мослаштирилиши ва кенг жорий этилиши бизнинг назаримизда давлатимиз миқёсида қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган болаларни ижтимоий сифат кўрсаткичи жиҳатидан

ошишига туртки бўлиши зарурий ҳолдир. Меҳрибонлик уйлари шундай тарбиявий муассасадир-ки, уларда ишлайдиган психолог чуқур билимлар билан бир қаторда маълум бир шахсий сифатлари анча ривожланган бўлмоғи лозим. Бундай хусусиятлар қаторида қуйидагилар асосий ўрин тутати: Ота-онаси меҳридан маҳрум бўлган болалар билан ишлашга киришишдан олдин психолог ўзидан ана шу сифатларни қидириб кўрмоғи лозим. Албатта, ота-онанинг чин меҳрига бўлган чанқокни ҳеч қандай сунъий йўл билан қондириб бўлмайди. Психолог эса болаларнинг психологик жиҳатдан нормал ривожланишини таъминлаши керак. Турли-туман болалар муассасаларида психолог олиб борадиган ишларнинг мазмуни, уларга хос хусусиятларнинг қисқа анализи шуни тасдиқлайдики, ҳақиқатдан ҳам психолог фаолияти муассаса турига кўра фарқланади.

1.2 Психосоциал саломатлик ва унинг кўрсаткичлари.

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф–одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр–оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қадриятлар таълим–тарбия асосида ёш авлод онгига сингдирилади. Мамлакатимиз таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг педагогик маҳоратида умумбашарий қадриятлар уларнинг маънавий дунёсини нақадар кенг эканлигини намоён этади. Буюк алломаларимизнинг таълим–тарбияга оид қарашларида умуминсоний ва маънавий қадриятларга бўлган эътибор асосий ўринда турган. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Инсон ахлоқи ақлга, хулқи ва ҳатти-ҳаракати эса илм–фанни ўрганишга ҳамда маърифатга асослангандагина маънавий камолотга эришади. Алломаларнинг фикрларига кўра, инсонпарварлик ғояларининг амалга ошиши, маънавий баркамолликка эришиш, билимли ва маърифатли бўлишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар илмлиликни умуминсоний қадрият даражасида улуғлаб, жамиятнинг барча аъзоларини илм эгаллашга чақирдилар, муаллимларнинг шижоатли меҳнатини қадрладилар.

Республикада амалга оширилаётган таълимий ислохотлар жараёнида малакали кадрларни тайёрлашдек долзарб масаланинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, малакали мутахассислар, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти туфайли иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг муҳим талаблари «корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада

такомиллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш»⁸ да юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Меҳрибонлик уйлари – етим ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган болалар учун давлат томонидан очилган таълим-тарбия мауссасаси⁹. Етим ёки қонуний васийлар қарамоғида бўлмаган болалар, ота-оналари суд ҳукми билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-оналари воз кечган боаллар учун ташкил қилинган. Меҳрибонлик уйларида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаши ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ўқитиш ва боқиш тўла давлат таъминоти асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мустақиллик йилларида меҳрибонлик уйларига мустақил юридик шахс мақомининг берилганлиги диққатга сазовор. Бошқа юридик шахс (давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари каби)ларга қандай ҳуқуқлар берилган бўлса, Меҳрибонлик уйи ҳам шундай ҳуқуқларга эгадир. Бу эса ўз навбатида, Меҳрибонлик уйлари хўжалик юритиш, ўқув-тарбия ишларини олиб бориш, истаган ташкилот ёхуд муассасалар билан муомала-муносабатда бўлиш жиҳатдан ҳам мустақил эканликларини англатади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сонли Меҳри-бонлик уйи тўғрисидаги Қарори Ўзбекистондаги етим-есирларга меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва болапарварликнинг ёрқин нишонасидир. Мазкур қарорда меҳрибонлик уйлари ташкил қилиш, мавжудларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, уларнинг мустақил юридик шахс сифатида тан олиниши, улар фаолиятини уюштириш, гуруҳлардаги

⁸ Каримов. И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б.32.

⁹ Аминов М.Н. “тарбия” (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия) –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат миллий нашриёти, 2010. -528б.

болалар сонини санитария ва гигиена нормалари асосида белгилаш, тарбияланувчиларни ҳар хил ёхуд бир хил ёшдаги гуруҳларга бирлаштириш, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи раҳбар ходимлар, ўқитувчи-тарбиячилар ва техник хизматчиларнинг меҳнатини қадрлаш ва айни чоғда, уларнинг масъулиятини ошириш ва шу қабилар ўз ифодасини топган. Бу ҳужжатда Меҳрибонлик уйлариининг жойлашиш ўрни, ўша жойнинг экологик жиҳатдан қулай бўлиши ҳам назарда тутилган.

Мазкур қарорнинг энг асосий жиҳати унда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини миллий ғоя ва мафкура асосида ҳар томонлама юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш масаласининг муҳим вазифа сифатида белгилаб берилганлигидадир.

Болалик инсоннинг руҳий бардошлилиги, ҳаётга қизиқишини, одамларга меҳр-муҳаббат, эзгулик, меҳнатсеварлик қаби мақсадга интилувчанликни таъминловчи асосий хислатларнинг шаклланиш давридир. Бу маънавий хислатлар бетартиб шаклланмайди, улар ота-она меҳри шароитида, оила болага ўзи ва бошқалар учун масъул бўлиш, бировга кераклигини ҳис қилиш шароитида шаклланади. Ота-онасини йўқотган бола – бу ҳақиқаттан ҳам фожеали олам. Чунки ота-онага эга бўлиш боланинг энг кучли эҳтиёжларидан биридир.

Ижтимоий етимлик муаммоси аксарият ривожланган ва ривожла-наётган давлатларга хос муаммо ҳисобланади. Ана шу сабабли мазкур муаммонинг ижобий ҳал этилиши кўплаб ижтимоий институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини самарали йўлга қўйишга боғлиқдир. Меҳрибонлик уйлари ижтимоий институт сифатида қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширади:

1. Боланинг нормал ривожланишини таъминлаб берувчи қулай шароитлар яратиб бериш;
2. Болалар соғлигини сақлаш;

3. Боланинг ижтимоий ҳимоясини тиббий-педагогик ва ижтимоий мослашувини таъминлаш;
6. Тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
7. Болаларнинг таълим дастурларини ўзлаштириши ҳамда шахс, жамият, давлат манфаати йўлида етарли таълим олиши;
8. Тарбияланувчиларнинг умумий маданияти, ҳаётга адаптациясини шакллантириш;
9. Тарбияланувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва ҳаётдаги ўз ўрнини белгилаб олиш эҳтиёжларини шакллантириш.

Мазкур вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолиятни тизимли ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий-педагогик фаолият – ижтимоий фаолият кўринишларидан бири бўлиб, у махсус педагогик маълумотга эга мутахассис томонидан муайян тоифадаги шахслар (имконияти чекланганлар, муҳтож субъектлар)га ижтимоий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, тузатиш ва қайта тиклаш орқали шахсий ва ижтимоий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади.

Глобаллашув шароитида ўзига хос ижтимоий институт ҳисобланувчи Меҳрибонлик уйларида ҳам ижтимоий-педагогик фаолиятни йўлга қўйиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бинобарин, мазкур муассасаларда тарбияланаётган болаларни ижтимоий муносабатларга мослаштириш, уларда ижтимоий аҳамиятга эга қадриятлар тизимини шакллантириш келгусида турли салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олишда ўзига хос долзарблик касб этади. Меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолият болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларни турли салбий ижтимоий таъсирлардан муҳофазалаш, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ҳамда психологик жиҳатдан зўриқишларининг олдини олиш каби йўналишларда ташкил

этилади. Мазкур йўналишларда ташкил этилувчи жараён самарадорлигини таъминлашда эса ижтимоий-педагогик фаолият асосларини пухта ўзлаштира олган тарбиячиларнинг ўрни ва роли бекиёсдир.

Олимларнинг психосоциал муаммоларга кадимдан кизиқишларига карамай, психогигиена соҳасидаги мутахассисларнинг илк халқаро бирлашуви 1910 йилдагина АҚШ ва Канада психиатрларининг конференциясида, психогигиена бўйича халқаро ассоциация тузиш тўғрисида қарор қабул қилинганда бўлиб ўтган еди. Биринчи жаҳон уруши психогигиена мутахассисларининг бирлашиш жараёнини бузди, бироқ бу кучларнинг халқаро уюшиш ғояси яшашда давом этди. Германияда психиатр Р.Соммер 1925 йилда психик гигиена бўйича немис иттифоқига асос солди. Унинг асосий кучи психиатрия шифохоналари таркибига доир ислохатлар ўтказишга, шунингдек, тегишли муассасалардан чиқиб кетган шахслар тўғрисида ҳам ғамхўрликни инобатга олиб, кенг психиатрик ижтимоий таъминотни яратишга қаратилган. Психогигиена тадқиқотлар доираси болалар ва ўсмирларнинг нерв-психик саломатлиги, шунингдек, уни аниқловчи омиллар тизимини ўрганиш, шахснинг шаклланиши қонуниятларини аниқлаш, бу мураккаб психосоциал жараёнда ирсият ролини белгилаш билан кенгайтириш мумкин ва лозим. Барча тиббий-ижтимоий ва психогигиеник тадбирлар мажмуаси уларнинг изчиллик ва тадрижий онтогенетик тамойилига асосланиши лозим. Генетик боғланган психопатология профилактикасининг самарасини ошириш учун, хусусан, никоҳга кираётган ёшлар учун “Бахт уйлари”да психологик маслаҳат бериш хизматини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Аёлларга маслаҳат бериш жойларида бола ривожланишининг ўзига хос томонлари ва бола нерв психик тараққиётида оғишларнинг олдини олиш чораларини ўз ичига олган парвариш қилиш қоидалари ҳақидаги тиббиёт билимларини тарғиб қилиш масаласини ўз ичига олган ота-оналар

мактабларини очиш зарур. Бу бузилишларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида болаларнинг психик саломатлиги устидан доимий динамик назоратни талаб етган хавф гуруҳини белгилаб, болаларни 1, 3, 5 ва 7 ёшда поликлиника шароитларида психоневрологлар томонидан оммавий кўрикдан ўтказиш тавсия етилади. Мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги устидан динамик назорат қилиш, нерв психик доирадаги оғишларни ўз вақтида аниқлаш, шахс шаклланишининг у ёки бу аномалиялари ва мактаб ўқувчиларининг ғайри ҳуқуқий хулқ-атвор кўринишларини баратараф етиш учун мактабларда шифокор тарбиячи ва психолог ишини бирлаштириб, психогигиеник хизматни ташкил етиш зарур. Бунинг учун мактаб шифокорларининг ишини, ўқитувчиларининг ишини ўқувчиларнинг психик саломатлиги устидан доимий назорат қилиш вазифаси билан тўлдириш лозим.

Болалар психиатрияси ва психогигиена соҳасида мактаб шифокорларининг маҳоратини ошириш шифокорлар малакасини ошириш институтларининг мувофиқ келувчи кафедралари билан, келажакда эса мактаб шифокорларининг тиббиёт институтларида болалар психиатрияси, тиббиёт психологияси ва психогигиена соҳаларида кенгайтирилган дастур бўйича махсус тайёргарлигини таъминлаш лозим. Тарбиячи ва мактаб психологларининг мактабдаги психологик хизматга мос келувчи тайёрловчи маориф вазирликлари билан таъминлаши лозим. Психогигиеник хизматга ўхшаш ташкилотлар касбий техник таълим тизимининг ўқув муассасаларида ҳам кўзда тутилиши лозим. Бу чора тадбирлар ҳам соғлиқни сақлаш, ҳам ҳуқуқий профилактик масалаларни йечишига шубҳасиз имкон беради. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик объектив жараёнлар билан боғлиқ бўлганлигини ва уларнинг сабаблари инсон табиатидаги камчиликларга асосланмаганлиги учун бу жаҳолатга қарши кураш жамият ҳаёти, болалар тарбияси, оилада, жамоада

муносабатларининг яхшиланиши, жамият жараёнлари бошқарувини такомиллаштиришдаги маълум камчиликларни бартараф етишга асосланиши лозим, деган хулосага келиш мумкин. Микро-ижтимоий муҳитни хусусан болалар ва ўсмирлар ҳаёти ва тарбиясининг оилавий-маиший шароитини соғломлаштириш шахс шаклланишига салбий ижтимоий таъсирларга йўл қўймаслик мақсадида наркологик хизматнинг мажбурият ва ваколатларини нафақат сурункали алкоголизм ва бошқа гиёҳвандлик турларига, балки маиший мастлик деб юритилувчи иллатларга ҳам қарши курашни ёйган ҳолда кенгайтириш зарур. Наркологик хизмат бу томондан салбий иллатларга берилган оилаларни ҳисобга олиши ва уларни ота-оналари билан даъволаш ҳам маърифий ишларни олиб бориши лозим. Болалар ва ўсмирларнинг шахс хусусиятлари тўғри ва уйғунлашган ҳолда шаклланишига оилавий ва биринчи навбатда оналик таъсирининг яхшиланиши учун уларнинг саломатлиги ва ахлоқи устидан назоратни ўрнатиш, турли ижтимоий меъёрлардан оғишнинг олдини олиш учун мумкин қадар имконият яратиши, аёл-оналарга имкони бор жойларда ишнинг уй ҳўжалигига хос шакллариини таклиф етиш мақсадга мувофиқдир. Сўнгги йилларда кескин ошиб бораётан характер аномалиялари (невропатия ва психопатия) асосан болалар ва ўсмирларнинг ўтиш даврида шаклланиб, фақат катта ёшлиларда барқарор тузулмали кўринишларда намоён бўлишини унутмаслик лозим. Бундан бола организми ривожланиш босқичларининг психофизиологик таҳлили ва психик бузулишларининг патогенетик асосланган коррекцион ва профилактик чоралари, шунингдек, ўсиб келаётган авлод саломатлигини сақлаш мумкин бўлган роли яққол кўриниб туради.

Ўсмир бола шахсини шаклланишига болалар уйидаги шароитнинг таъсири Бола алоҳида олинган шахс сифатида ўз-ўзига муносабатини шакллантириш жараёнида асосан икки босқични бошидан кечиради. Бу

босқичлар ўсмирлик ёшининг икки хил даврига – кичик ўсмирлик даври ва катта ўсмирлик даврига тўғри келади. Биринчи босқичда бола ўзини «болалар»дан ажратиб, энди ўзини катталар оламига мансунблигини таъкидламоқчидек бўлади. Бу давр учун катталарнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш ва ўзининг мана шу ярашмаган қилиқларига танқидий баҳо бера олмаслик, унинг катта ёшли кишиларга яқин бўлиши учун ёрдам бераётган бир гуруҳ тенгдошлари билан ортиқ даражада боғлиқ бўлиб қолиши ва шу сингари ҳолатлар характерлидир. Иккинчи босқичда – энди ўзининг ёш бола эмаслигига шубҳа қилмайди ва у ўзлигини аниқ англай бошлайди, ўз шахсини улуғлаб, ўзига хос ҳаракатлар қила бошлайди. Бу даврга келиб, унинг ҳаракатлари ўзи билан ўртоқ бўлган бир гуруҳ тенгдошларига боғлиқ бўлмай қолади. Атрофидаги ҳар қандай кишининг унинг шахси ҳақидаги танқидий фикрни ешитгиси келмайди, хато бўлса ҳам ўз фикрида қатъий туришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам бу даврда болага таъсир ўтказиш методикасига жиддий эътибор бериш даркор. Ўсмирлик ёшида юз берган ўзгаришлар, жумладан физиологик ўзгаришлар нафақат унинг хулқиға, хатти-ҳаракатларига таъсир етибгина қолмай, унинг билишға бўлган муносабатларига, меҳнат ва унинг турларига муносабатларини ҳам ўзгартириб юборади. Бу давр мобайнида боланинг атрофға ва ўзига бўлган аввалги муносабатлари синиб, қайта тикланади ва ўсмирнинг мустақил ҳаётға қадам қўйиш босқичи шаклланади. Ҳаётға қадам қўйиш бирданига юз берадиган ҳодиса эмас, балки узок давом этувчи жараён бўлиб, унинг биологик, психологик ва ижтимоий томонлари ўз қўзғалувчи кучлари, тараққиётининг ўз мароми ва суръатларига эга. Унинг кўпгина талаблари (даъволари) енгилмас қийинчиликларға олиб келади, низо ёки реал воқелик билан зиддиятға киришади. Ҳаёт тарзини амалда ўзгартириб бўлмаслик ўсмирда психологлар томонидан шу ёшға хос деб кўриладиган

орзуларни вужудга келтиради. Агарда ўсмир ўзида билим ва естетик эҳтиёжлар, маънавий-ахлоқий комилликка интилиш каби барқарор шахсий манфаат ва хулқ-атвор мотивларини етарли даражада шакллантирса, ўтиш даври инқирози анча енгил ўтади. Ўсмирнинг ибратли кишиларни назарда тутиб иш кўриши, олий ва истикболли мақсадларга муносиб тақлид қилиши субъектнинг исталган йўналишдаги хулқ-атвори, эмоция ва ахлоқини аниқлашга кодир. Бу каби мўлжалли иш тутиш хулқ-атворнинг турли йўналган мотивлар қарама қаршилигига барҳам бериш ёки уларни қайсидир маънода текислаш ва ўсмирларни янада ички уйғунлигини таъминлашга кодир. Шу билан бирга ўсмирлик даври Л.В.Виготский (1960) ифодалаганидек, биргина формула билан қамраб олиниши мумкин эмаслигини унутмаслик лозим. Унинг хусусиятларини тушуниш учун ушбу даврнинг психик тараққиётига даҳлдор ички ҳаракатга келтирувчи куч ва зиддиятлар ўрганилиши, ўсмирлик даврининг барча белгилар мажмуи табиатини очувчи ўзига хос психологик ва ижтимоий ютуқларни ажратиш лозим. Бундай бош психосоциал муваффақиятлардан бири илк босқичда (12-14 ёшда), Л.И.Божович фикрига кўра, ўсмирлар ўз фикрини ифодалаш ва ўзини намоён қилиш имкониятини яратувчи ўз ўзини англаш босқичи, якунловчи босқич (15-17 ёш) да эса ўз келажак муаммосини илк босқичга хос орзу ҳаваслар асосида эмас, балки ўзининг ҳақиқий имкониятларини ва ташқи шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳал етиш зарурати билан боғлиқ ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳисобланади. Ўсмирнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва ҳаётдаги мақсадини аниқлаш зарурати билан боғлиқ. Бу интилиш ва эҳтиёжлардан маҳрум бўлиш ёш давлари психологиясида меъёр доирасида кўриладиган инқирозни, айрим ҳолларда эса, психиатрия соҳасига доир психологик хулқ атвор кўринишларини вужудга келтириши мумкин. Шундай қилиб, биз кўраётган ўсмирлик даврига физик ва

психик тараққиёт даражаси ва суръатларда ижтимоий муносабатдаги аномал хулқ-атвор кўринишларини вужудга келтирувчи зиддиятлар билан ифодаланган энг юқори номуносабатлик хос бўлиб, бу маъсулиятли давр психолог, социолог ва шифокор-психиатр ва психогигиенистлар томонидан катта эътибор талаб қилишга лойиқ. Агарда ўсмирга бундай кескин даврда “ўзлигини топиш”да, янги манфаатлардан хабардор бўлишда ақл, назокат билан ёрдам берилмаса, катталар билан нормал муносабатларни ўрнатишнинг энг тўғри йўллари топилмаса, унда “ўсмирлик меъёри”дан четга чиқувчи номақбул хатти-ҳаракатлар ва хулқ атвор реакцияси юзага келиши мумкин. Болалар уйида тарбияланган болаларда “мен ўзим” деган тушунчани англаш ўзига хос тарзда кечади. Ўзига бўлган муносабат боланинг ақлига қараб, унинг атроф ҳақидаги билимлари билан боғлиқ ҳолда қатнашади. Мана ҳозир болалар уйида яшовчи болаларни ўзига бўлган муносабатларида фарқларни кўриб чиқамиз. Оила бағрида яшовчи болаларда ўзига бўлган ўта ижобий муносабат яққол кўзга ташланади. Бундай болалар ўзларини атрофдагилар муносабатига қараб баҳолайдилар. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, болалар уйининг 7-8 синф битирувчиларида ўзларига ишончи жуда етарли даражада бўлган. Атрофдагиларга бўлган муносабат, муомала келажак ҳаётга боланинг ўз йўлини топишида катта аҳамиятга эга. Шунинг учун болалар уйларидаги ўқитувчи ва турли болаларни ёшликданоқ бунга ўргатиш учун ижобий ишлар амалга оширмоқда. Зеро, бу уларнинг бош вазифаси бўлиши билан биргаликда, уларни мажбурияти ҳамдир. Шунинг учун болалар уйларида ва мактаб интернатларида ўзига хос учрашувлар ташкил қилинмоқда. Бунда болалар ҳар қандай қийин вазиятларда ёки ўзи ҳақ бўлиб турган ҳолатларда ўз ҳаққини талаб қилиши мумкин.

II-Боб Интернат тарбияланувчиларининг ижтимоий мослашуви.

2.1. Интернат тарбияланувчиларининг мослашувига ижтимоий-психологик ёрдам

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан олиб бориладиган коррекцион ривожлантирувчи ишлар Бугунги кунда меҳрибонлик уйларида жорий этилаётган хизмат муассаса ходимларидан иш жараёни тартиби ва усуллари қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Чунки хизмат ходимлари эндиликда боланинг қуйидаги ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимояланишини таъминлаш мақсадиди ҳар бир масалада консилиум ташкиллаштиришлари ва ҳамжиҳатликда масалани ҳал қилишлари зарур бўлади.

Психолог ишини қуйидаги йўналиш бўйича олиб боради:

1.Психологик-профилактик ишлар. Ушбу йўналиш ўз вақтида болаларни интеллектуал ривожланишида четга чиқиш, бузилишларни олдини олиш, тўлақонли ривожланишига ҳар бир ёшга қараб шароитлар яратишдан иборат. Профилактик ишлар педагогик жамоалар билан бирга олиб борилади.

Психологик профилактик ишларда психолог қуйидаги тадбирларни ўтказди:

А) болалар ташкилотига келган болаларни бир болалар ташкилотидан бошқасига ўтганда, уйдан мактабгача болалар уйигача ва мактабгача ёки мактаб интернатига ўтганда ушбу болаларда турли текшириш олиб боради. Ҳар бир бола билан индивидуал ишланади.

Б) педагогик консилиумларни ташкил қилади. Оғир ёки ноаниқ касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш чораларини белгилаш учун чақириладиган врачлар кенгаши. Диагностик иш. Бу йўналиш турли тарбияланувчиларнинг болалар ташкилотига келган кунидан бошлаб

чуқурлаштирилган турли педагогик текширишларни аниқлайди. Ҳар бир боланинг индивидуал ривожланишига аҳамият беради ва болаларни тарбияси, ўқиши бузилиш сабабларини аниқлайди.

Диагностик иш давомида қуйидаги конкрет масалаларни йечади.

А) Ҳар бир тарбияланувчиларнинг психик ривожланишига оид турли текширувларни олиб боради.

Б) Тарбияланувчилар билан профориентация ишларини тўғри ташкил қилади. Ҳар бир болага тарбия ишларини олиб бориш давомида индивидуал ёндашади ва болаларни қизиқишлари, қобилиятлари ва ойилликларини аниқлайди.

В) Тарбияланувчиларнинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқоти диагностикаси олиб борилади ва муаммоларнинг турли сабабларини аниқлайди.

Г) Профилактика жараёнида иштирок етувчи мутахассислар билан биргаликда дифференциал диагностикани аниқлашади.

Психокоррекция ва ривожлантирувчи ишлари. Ушбу йўналиш боланинг индивидуал ва шахси шаклланишига турлича таъсир кўрсатади. Режа ва дастурлар ушбу йўналиш тарбияланувчиларининг ёшига қараб белгиланади.

А. Психолог режа ва дастурларни тузади ва амалга оширади, ушбу режа ва дастурлар боланинг турли ривожланишига ва шахс шаклланишига қаратилади.

Б. Турли коррекция (яъни тузатиш) дастурларини тузатади ва амалга оширади. Ушбу дастур боланинг психик ривожланишига йўл қўйилган оғиш, четга чиқишларини тузатишга хизмат қилади.

Консультатив ишлар. Консультатив ишларни амалга ошириш учун психолог куйидаги вазифаларни ҳал қилади ёки бажаради:

А) болалар ташкилотида педагогик жамоа аъзоларини ва маъмуриятга болаларнинг таълим ва тарбия муаммолари бўйича консультация беради.

Б) ҳар бир тарбияланувчилар билан индивидуал ва гуруҳий маслаҳатлар олиб боради. Ушбу маслаҳатлар ўқиш, ривожланиш, ўзини-ўзи кузатиш, катталар ва тенгдошлар билан муносабатлари муаммолари бўйича белгиланади.

В) интернат типигаги болалар ташкилотларида педагогик жамоа аъзоларини психологик маданиятини кўтарилишга олиб келади.

Психологик хизмат болалар уйларидаги ва мактаб интернатларидаги етим болалар ва ота онасиз, қаровсиз бўлган болалар тўла қонли руҳий ривожланишига, уларнинг шахсий интеллектуал ривожланишига, ўқиши ва тарбиясига қаратилган бўлиб, уларнинг профилактикаси билан шуғулланади ва шундай бузилишларнинг олдини олади.

2. Психолог ўзининг ижодини аниқ ташкилотларда, интернат типигаги ташкилотларда ҳар бир ташкилотнинг шароитларига, низомига кўра юритади.

3. Психолог барча муаммолар йечимини тарбияланувчи қизиқишлари ва унинг ҳар томонлама, гармоник ривожланиш вазифаларига қаратиши лозим.

4. Психолог ўзининг ижодини педагогик жамоа билан ва болалар уйи ёки мактаб интернати маъмурияти билан чамбарчас боғлайди.

1987 йил болалар уйлари ва мактаб интернатларида психолог вазифаси жорий етилди. Бу вазифанинг жорий етилиши ота-онасиз қолган болалар учун ўзига хос психологик ёрдам керак.

- Бунда психологнинг болалар уйларидаги ва мактаб интернатларидаги вазифаси кўпроқ оддий мактабдаги вазифага ўхшайди.
- Бунда психологдан ўта ажойиб, сезгирлик қобилиятини талаб етилади. У ўз хатти-ҳаракатлари билан бошқаларга ўрнак бўлади.
- Шуниси маълумки, болалар уйларида ёки мактаб-интернатларида таҳсил олиб яшаётган, болалар, оила бағрида яшайдиган болалардан тубдан фарқ қилади. Хатто улар ўз тенгдошлари тугул ўзларига нисбатан ёшроқ болалардан ақлий ривожланиш бўйича ортида қолиб кетган деб айтиш мумкин.

Мактаб таълимига тайёргарлик. Мактабнинг биринчи синфига келган етим болалар ва ота-онали болаларни тарбиялашда қуйидагиларга эътибор берилади:

Одатда мактабга мактабгача таълим болалар уйидан келган болалар билим олишга бошқа болаларга нисбатан яхшироқ тайёр эканлиги кўринади. Улар ҳарфларни билишмайди, хатто баъзилари бўғинлаб ўқишни билмайди. 10гача санашади. Бу болалар мактабда билим олишга тайёргарликлари яхши эканлигини кўрсата олишади. Улар ўқитувчини берган вазифаларини бажариб келишга масъулият билан қарашади. Мактаб интернатда ўқиган болалар атрофдаги нарсаларни билишга, яқинроқ англашга қобилияти мавжуд. Тажрибалар шуни кўрсатадики, болалар уйларида тарбия олган болалар катталарга нисбатан бўлган яхши муомалалари ва муносабатлари билан бошқалардан ажралиб туришади ва бу орқали катта муваффақиятга еришишлари мумкин. Бундай қобилиятга эга бўлган болалар ўтмиш ва келажакдан тўғри хулоса чиқарган ҳолда кейинги ҳаётларига муносиб пойдевор қўя олишади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка еришганидан сўнг, асосий устивор йўналишларидан бири алоҳида кўмак ва эътиборга муҳтож одамларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўлган ижтимоий ҳимоя ва аҳолига хизмат қилишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шаклланди. Бу шароитда ижтимоий соҳада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан ишлашда билим ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ходимларга эҳтиёж ва тегишли тарзда янги касбий фаолият – “Ижтимоий ишчи”га зарурият юзага келади.

Ўзбекистонда ижтимоий иш институти 90-йиллар охирига келиб шакллана бошлади. Бунинг учун 1998 йилда билим ва таълим ихтисосликлари ва йўналишлар Умумдавлат классификаторига киритилиши асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси касблар ва лавозимлар миллий классификаторига “ижтимоий иш касби ва ижтимоий иш мутахассислиги” киритилди.

Интернат типдаги болалар ташкилотларидаги психологик хизматлар қуйидагича белгиланади:

1. Болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда тўлақонли ривожланишини таъминлаш. Тарбияланувчиларнинг ривожланиш қонуниятлари, қобилиятларини шакллантириш.
2. Ҳар бир тарбияланувчиларга индивидуал ёндашиш.
3. Тарбияланувчини мустақил ҳаётга тайёрлаш, алоҳида ишлар олиб бориш.
4. Тарбияланувчиларни интеллектуал шахс ривожланиши ва орқада қолишини олдини олиш.

СОС-болалар қишлоқчаси– бу етим қолган ёки ота-она қаровисиз қолган болалар билан ишлашнинг ўзига хос усули. Бу усулга австриялик

педагог Герман Гмайнер асос солган. Бугунги кунда у дунёнинг 124 мамлакатада кенг қўлланиб келмоқда. СОС - болалар қишлоқчаси бир неча коттедж-уйлардан иборат. Уларнинг ҳар бирида «она» ва 6-8 та бола яшайди. Бу болалар ёки ота-онасидан етим қолган, ёки уларнинг ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум етилган. Қишлоқда ҳеч ким улардан ҳақиқий ҳаётларини ва уларга «оналик» қилаётган одам аслида оналари эмаслигини яширмайди. Болалар қишлоқчасидаги алоҳида уйларда оналарнинг ёрдамчилари -«ҳолалари» ҳам яшайди. Улар дам олиш кунлари «она» касал бўлиб қолганда, ёки бирор иш билан уйдан кетганда «она»нинг ўрнини босадилар. Қишлоқчани директор бошқаради. У қишлоқчадаги алоҳида уйда оиласи билан бирга яшайди. Директорлик вазифасидан ташқари у қишлоқчадаги барча болаларга ота ва еркак кишининг намунасидир. Албатта, қишлоқчада бошқа еркак кишилар – директор ўринбосари, уста, ҳайдовчи, хавфсизликни таъминлаш ходими ҳам мавжуд. Шу билан бирга қишлоқчанинг фаолият кўрсатишида психологнинг ишига алоҳида эътибор берилади. У ҳам болаларга, ҳам «она» ларга, ҳам ходимларга психологик ёрдам кўрсатади. Болалар шаҳарчаси директори жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатларда, шунингдек, судларда тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган қонуний вакил ҳисобланади. Директор, агар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан маъмурият ва болаларнинг манфаатлари ўртасида қарама қаршилик мавжудлиги аниқланса, болаларнинг манфаатларини ифодалашга ҳақли эмас.

Улар ўртасида келишмовчиликлар бўлган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органи бошқа вакилни тайинлаши шарт. Болалар шаҳарчаси оилаларида тарбиячилар Ўзбекистон Республикасининг 30 ёшга тўлган, бироқ 55 ёшдан катта бўлмаган фуқаролари — ёлғиз аёллар ёки фарзандсиз ер-хотинлар бўлиши мумкин. Тегишли маълумотга эга бўлган

шахсларга устунлик берилади. Тарбиячи болалар шаҳарчаси оиласи бошлиғи ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда танлов асосида ишга қабул қилинади. Халқ таълими вазирлиги тарбиячиларнинг малака тавсифларини ишлаб чиқади ва белгилайди. Танлашда олий ёки ўрта махсус педагогик, шунингдек, психологик ёки тиббий маълумотли, ижтимоий иш кўникмасига эга бўлган шахсларга устунлик ҳуқуқи берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра қуйидаги шахслар тарбиячилар бўлиши мумкин эмас: - суд томонидан ҳуқуқий лаёқатсиз ёки ҳуқуқий лаёқати чекланган деб эътироф этилганлар;

- суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

- қонун билан ўзига юкланган мажбуриятлар зарур тарзда ижро этилмаганлиги учун васий (ҳомий) мажбуриятларидан четлатилганлар; - агар фарзандликка олиш уларнинг айби билан суд томонидан бекор қилинган бўлса, собиқ фарзандликка олганлар;

- судланганлар;

- соғлиғига кўра бола тарбияси бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаган шахслар.

Тарбиячининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- болаларни тарбиялаш, уларнинг соғлиғи, жисмоний, психик, ахлоқий-маънавий камол топиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

- оилада ахлоқий-маънавий ва уй муҳитини яратиш;

- ўз мажбуриятларини тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар йетказган ҳолда бажармаслик;

- бола учун ўзига берилган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;
- ҳар олти ойда тиббий диспансер кўригидан ўтиш;
- ҳар икки йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида қўшимча ўқитишнинг икки ҳафталик курсидан ўтиш;
- қонун ҳужжатларига ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

Педагоглар, ижтимоий ходимлар ва психологлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тарбияланувчиларга руҳий ва ижтимоий педагогик ёрдам кўрсатадилар, улар болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларининг руҳий, шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш ишларини ташкил қиладилар.

2.2. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ижобий фазилатларини шакллантириш.

Мустақиллик йилларида долзарб муаммолардан бири янги тарихий шароитда жамиятга, юртга муносиб кишиларни тарбиялаш эди. Бу эса кўриниб турибдики ёшлар, келажак авлоддир дарҳақиқат, ёшлар республикамизда жуда катта куч ҳисобланади. Бу кучни эса тўғри йўналтириш ўзига хос ютуқ ва камчиликларни. Муаммоларни тўғри ҳал қила олиш ўша давр, ўша шароитдан жуда катта маъсулият талаб қилади. Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, мамлакат келажаги билимли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодга боғлиқдир. Ёшларни ижтимоий - сиёсий фаол фуқаро сифатида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг ўз ақл заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиш учун зарур шарт-шароит яратиш давлатимиз олдидаги турган долзарб муаммолардан биридир.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан “Меҳр-мурувватлилик – ўзбекнинг ҳиммати” мавзусида давра суҳбати ўтказдик. Давра суҳбатида меҳрибонлик уйидаги маънавий-ахлоқий ишлар бўйича директор ўринбосари, гуруҳ тарбиячиси, ва ”Педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси Д. Ходжимухаммедова, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан биргаликда давра суҳбати ташкил этдик. Суҳбатда тарбияланувчиларга иштирокчилар саволлар билан мурожаат қилишди: “Мурувватлилик, саховатлилик, саҳийлик, бағрикенглик, яхшилик каби тушунчаларининг маъносини айтинг?” , “Эзгулик, қўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, жасурлик каби тушунчаларининг маъносини айтинг?”, “Ижтимоий-фаоллик” нима учун керак?”, “Шахснинг қандай мурувватлилик хусусиятларини биласиз?”, “Саховатли инсон деганда нимани тушунасиз?”, “Мамлакатимиздаги тинчлик осойишталикни асрашда сизнинг маъсулиятингиз нималардан иборат?”, “Мурувватлилик ва саховатлилик

фазилатини шакллантиришда дарсдан ташқари фаолиятнинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?”, “Миллий маданиятимизнинг такомиллашувида ёшлар фаоллигининг ўрни нималардан иборат?”, каби шуларга ўхшаш кўпгина саволлар билан тарбияланувчилар мурожаат қилишди, барча меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари давра суҳбатида фаол иштирок этишди. Уларда давлатимизда олиб борилаётган маънавий жараёнлар ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлдилар. Давра суҳбатидан мурувватлилик, саховатлилик, ўзбек миллий менталитетига хос тушунчалар ҳақида кўпгина билимларга ва маълумотларга эга бўлишди ва яхши таъсуротларга эга бўлдилар. Тарбияланувчиларнинг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш жараёнида меҳрибонлик уйининг ўрни бекиёсдир. Биз таналаган мавзуимиз юзасидан тадқиқот ишларини Гулитон шахридаги “Болалар шаҳарчаси“ уйида тажриба-синов ишларини олиб бордик. Тарбияланувчиларни мурувватлилик ва саховатлилик ижобий фазилатини шакллантириш жараёнидаги мақсадини аниқлаб олдик: тарбияланувчиларда инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, бағрикенглик, яхшилик, эзгулик, қўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, жасурлик каби сифат ва хусусиятларини шакллантириш, уларни ижтимоий жараёнларига муносабатини тўғри таркиб топтириш, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, у ёки бу даражада маънавий-маърифий жараёнларга бўлган муносабатни шакллантиришдан иборат.

Меҳрибонлик уйида тарбиячиларнинг фаолиятида тарбияланувчиларнинг хулқ атворини кузатиш, тарбиявий жараённи ташкил этишни такомиллаштириш бевосита маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, гуруҳ раҳбарлари билан суҳбат ўтказиш давомида олинган натижалар таҳлил қилинди ва тарбияланувчиларни шартли равишда уч гуруҳга ажратдик.

Биринчи гуруҳда юқори даражада мурувватлилик ва саховатлилик фазилати шаклланган болалар киритилди. Бу гуруҳга кирувчи болалар инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлилик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, бағрикенглик, яхшилик, эзгулик, кўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, жасурлик каби сифат ва хусусиятлари шаклланган ва амалий фаолиятларида ана шу хусусиятларини намоён эта олади.

Иккинчи гуруҳга ўрта даражада мурувватлилик ва саховатлилик фазилати қисман шаклланган болалар киритилди. Бу гуруҳга кирувчи болалар инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, бағрикенглик, яхшилик, эзгулик, кўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, жасурлик каби сифат ва хусусиятлар қисман англаб етадиган қизиқиши ўртача, фақатгина уларда мурувватлилик ва саховатлилик фазилати қисман шаклланган, амалий фаолиятга айланмаганлиги кўринади.

Учинчи гуруҳга муруввалилик ва саховатлилик фазилати шаклланмаган тарбияланувчилар киритилди. Уларда инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, жасурлик каби сифат ва хусусиятларни тассаввур эта олмайдиган, фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган тарбияланувчилар киритилди.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларни мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: аниқловчи, шакллантирувчи, якунловчи.

Аниқловчи босқичда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини қай тарзда шаклланганлиги ўрганилди, мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш юзасидан назарий билимлар ўрганилди. Ёшларни мурувватлилик ва

саховватлилик фазилатларини шакллантириш учун гуруҳ раҳбарлари уларни таҳлил қилишди, асосий ғоялар белгилаб олинди, учрашув ва суҳбатларнинг асосий таркибий қисмлари аниқланди.

Суҳбат ва учрашувлар болаларда мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш учун ташкил этиладиган дарсдан ташқари фаолият жараёнидаги маънавий тадбирлар болалар билан биргаликда ташкил этилди. Болалар маънавий тадбирларда деворий газеталар, турли миллий урф-одатлар акс эттирилган буклетлар тайёрлаш жараёнида ифода этишди.

Шакллантирувчи босқичда - дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантиришга доир маънавий-ахлоқий тадбирлар амалга оширилди. Яъни турли тарбиявий аҳамиятга эга кечалар, турли касб эгалари билан учрашувлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар акс эттирилган кечалар, , давра суҳбатлари шунга ўшаша бир қанча мурувватлилик ва саховватлилик фазилатини шакллантирувчи тадбирлар уюштирилди.

Яқунловчи босқич жараёнида тарбиявий фаолият шакллариининг самарали қўлланишига доир тажриба ўтказилди. Дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мустақил фаолияти йўлга қўйилиб, мурувватлилик ва саховватлилик ижобий фазилатларини шаклланганлик даражаси таҳлил қилинди.

Дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларини ўтказиш натижасида уларда маънавий тарбияси, мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантиришга оид билимлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабати, мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш да ижобий ўзгаришлар қўлга киритилди. Қуйидаги жадвалда

келтирилганидек, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида юқори даражада мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шаклланганлик натижалари ўз аксини топди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховатлилик ижобий фазилатларини шаклланганлик даражаси

Гуруҳлар	Тажриба аввалида			Тажриба якунида		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи Жами 26 нафар	8	8	10	17	5	4
Назорат гуруҳи Жами 24 нафар	6	9	9	9	7	8

Дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш юзасидан амалга оширилган тажриба-синов ишларининг натижаларига мувофиқ дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шаклланганлиги борасида фикр тўла тасдиқланди. Унинг тасдиқланиши меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантиришда самарали ва муваффақиятли шакллантиришга хизмат қилиш эҳтимоли кўзда тутилган методиканинг педагогик жиҳатдан тўғри асосланганлигини исботлади ва муаммо юзасидан керакли хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

III-БОБ. Экспериментал тадқиқот натижалари.

3.1. Тадқиқотда ишлатиладиган методикалар ва уларнинг тавсифи

Шахс социализацияси тўғрисида гап кетаркан, унинг фанда кўпинча “шахс тараққиёти” ёки “тарбияси” тушунчалари билан синонимдек ишлатилишига алоҳида эътибор бериш керак. Лекин социализация соф ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, айтиб ўтилган тушунчалардан фарқ қилади. Социализация – бу индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириши ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади.

Шахс социализацияси ёки шаклланишининг ўз соҳаси, босқичлари ва муассасалари мавжуд.

Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади:

- 1) фаолият соҳаси, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб етилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар каталоги кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни, малака ва кўникмаларни, билимларни талаб этадики, уларни қониқтириш йўлидаги активлиги унда ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлар комплексини шакллантиради;
- 2) мулоқот соҳаси, айниқса, мактабгача ёш даврдаги ва ўсмирлик даврларидаги мулоқот системалари болада бир қанча ижтимоий-психологик хислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётий мавқега эга бўлади, жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга еришади.

3) ўз-ўзини англаш соҳаси, яъни “Мен” образининг йил сайин ўзгариб бориши жараёни бўлиб, аввал ўзини бошқалардан фарқлигини, ўзича мустақил ҳаракат қилиш, мустақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса ўз-ўзини баҳолаш, англаш, назорат қилиш хусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисмидир.

Шахс социализацияси, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бола туғилиши билан бошланса-да, сезиларли самарадорлик нуқтаи назаридан унинг босқичлари фарқланади. Масалан, биринчи босқич–меҳнат фаолиятигача бўлган босқич бўлиб, унга боланинг мактабгача даври ҳамда ўқиш йиллари киради. Бу даврдаги социализациянинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу даврда асосан ташқи ижтимоий муҳит, ижтимоий таъсирлар фаол равишда онга сингдирилади, мустақил ҳаётга тайёргарлик борасида муҳим босқич ўтилади. Иккинчи босқич – меҳнат фаолияти даври. Бу давр одамнинг йетуклик йиллари билан боғлиқ бўлиб, аввалги даврларда сингдирган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда, шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Касбга эга бўлиб, аниқ ҳаёт йўлини танлаган, турмуш қуриб, келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён бўладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг маҳсулидир. Ниҳоят, учинчи давр — меҳнат фаолиятидан кейинги давр бўлиб, бунга асосан фаол меҳнат фаолиятидан сўнг қарилик гаштини сураётганлар киради. Бу даврда ҳам шахс социализацияси давом этаверади, чунки энди илгариги даврларда орттирилган тажриба бошқаларга узатилади, шунга кўра шахс структурасида ҳам хусусий ўзгаришлар рўй беради. Франсуз психологи П.Жаненинг фикрига кўра, инсон психикаси ижтимоий муносабатларга боғлиқ, зотан жамият ва табиат ўртасидаги турли алоқалар тизимининг шаклланиши, инсоннинг улғайишини белгилайди. У алоқа сифатида хатти-ҳаракатни

тушунади, бу эса кишининг атроф-муҳитга шахсий муносабатидан бошқа нарсаси эмас, албатта. П.Жаненинг таъкидлашича, енг қимматли, аҳамиятли, ижтимоий ҳаракат ҳамкорликдаги фаолиятда ўз ифодасини топади, шахслараро ташқи муносабатлар ривожланишининг муҳим тамойили ҳисобланади.

3.2 Мехрибонлик уйи шароитида болаларни психосоциал қўллаб-қувватлаш ўрганиш методиклари амалий таҳлили.

АҚШ ва Англияда ўз биологик ота-онаси билан яшаш имкониятига эга бўлмаган болаларни фостер оилаларга бериш занжирсимон келишувга биноан тузиладиган шартнома талабалари асосида амалга оширилади: Ғарб мамлакатларида болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида амалга ошириладиган барча тадбирларнинг марказий ишторокчиси сифатида ижтимоий ходим амалий масалаларни ҳал етувчи мутахассис сифатида фаолият юритади. Қийин ҳаётий вазиятдаги оила, етим қолган бола ёки ногирон бола, вояга етмаган ҳуқуқбузар болалар тоифаси билан ишловчи ихтисослашган ижтимоий ходимлар шулар жумласидандир. Бундай вазиятларда фостер оила билан ишлашга ихтисослашган ижтимоий ходим хизматидан фойдаланилади. Лекин, шу билан бир қаторда, боланинг биологик оиласи билан ишловчи алоҳида ижтимоий ходим хизмати ҳам кўрсатиб борилади.

Бугунги кунда мехрибонлик уйларида жорий етилаётган хизмат муассаса ходимларидан иш жараёни тартиби ва усуссларини қайтадан кўриб чиқишни тақазо этади.

Чунки хизмат ходимлари ендиликда боланинг қуйидаги ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимояланишини таъминлаш мақсадида ҳар бир масалада консилиум ташкиллаштиришлари ва ҳамжихатликда масалани ҳал қилишлари зарур бўлади:

тарбияланувчиларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда уларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш;

тарбияланувчилар билан диагностик, психологик-профилактик маслаҳат бериш ва реабилитация ишларини олиб бориш;

меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари, педагоглари, маъмурий ва бошқа ходимлари билан психологик-профилактик маслаҳат бериш таълим (семинарлар, тренинглар) ишларини олиб бориш;

тарбияланувчиларнинг ота -оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан маслаҳат бериш ва реабилитация ишлари олиб бориш.

Ижтимоий ходим раҳбарлиги остидаги хизматнинг ходимлари иш фаолияти асосий қуйидаги йўналишларини ажратиб, кўрсатиш лозим:

а) тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

б) боланинг меҳрибонлик уйида яшашга мослашиш учун зарур бўлган

имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш, тарбияланувчининг ҳуқ - атворидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш;

в) тарбияланувчиларни муқобил оилавий шаклларига жойлаштириш ёки ўз биологик оиласига қайтариш ишлари билан шуғулланиш.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларнинг ижтимоий вазиятга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, тарбияланувчининг аксариятини ижтимоий етимлар ёки “шартли етимлар”, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ташкил этишининг гувоҳи бўламиз. “Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низом”нинг қайта кўриб чиқилган таҳрири эндиликда ҳудудлардаги васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда вояга йетмаганлар билан ишлаш комиссиясига алоҳида мажбуриятлар юклайди. Чунки чекка вилоятларимиздаги меҳрибонлик уйларида ҳам муассаса контингенти каторида ўз отаонаси билан яшаш имкониятига эга бўлган болалар ҳам тарбияланмоқда. Улар қанчалик яхши шароитда яшашмасин бу муассасадаги чиройли ҳаёт, етарли моддий ва маънавий таъминот, катъий режали кун тартиби, ходимларнинг алмашинуви муаммоси

мавжуд бўлсада, уларнинг болага нисбатан меҳри, муносабати ўз туғишган ота-онасининг, қариндош-уруғларининг ўрнини боса олмайди. У ўз оиласида олиши мумкин бўлган оилавий тарбия тажрибасини оила аъзолари билан шахслараро муносабат қуриш бу сиёсатларнинг қанчалик бошқа яхши шароит таъминламасин, ўз оиласидагидек ололмайди, ўз оилавий мансублиги кўплаб қувватлаш, уларнинг самарали ижтимоийлашувини таъминлашда оила ўрнини ҳеч бир жой боса ололмайди. Шу боис ҳам ендиликда меҳрибонлик уйидаги болаларнинг манфатларини тўлиқ ҳимоялаш мазмунига бирмунча ўзгаришлар киритилиши давр талаби тақозо этаётган масалалардан биридир. Яни муассаса тарбияланувчисининг ўз биологик ота-онаси билан алоқасини тиклаш, ўзаро ижобий муносабатларни шакллантириш, заруриятда ота-онаси ва яқин қариндошлари билан психолог маслаҳат ишларни олиб бориш, зарур ижтимоий ёрдам кўрсатилишини ташкиллаштириш, имкон бўлганида уларни ўз оилаларига қайтариш каби тадбирлар, ендиликда муассасада фаолият юритаётган ижтимоий иш ходими фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этиши лозим.

Хулосалар

Олиб борилган илмий тадқиқотимиз натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келдик.

Болалар уйи ва мактаб-интернат тарбияланувчиларининг ижтимоий маънаси ва уларнинг психологик хусусиятлари етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимояси муаммоси бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган муаммога айланиб бормоқда.

Психолог бола ҳаётидаги рўй берган фожиянинг бола психик ривожланишига таъсир этишини сусайтириш ва тегишли психологик методларни ўтказиш орқали бола шахси прогрессив шаклланишини таъминлаш лозим.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан олиб бориладиган коррекцион ривожлантирувчи ишлар Бугунги кунда меҳрибонлик уйларида жорий этилаётган хизмат муассаса ходимларидан иш жараёни тартиби ва усуллари қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Чунки хизмат ходимлари эндиликда боланинг қуйидаги ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимояланишини таъминлаш мақсадиди ҳар бир масалада консилиум ташкиллаштиришлари ва ҳамжиҳатликда масалани ҳал қилишлари зарур бўлади.

Суҳбат ва учрашувлар болаларда мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш учун ташкил этиладиган дарсдан ташқари фаолият жараёнидаги маънавий тадбирлар болалар билан биргаликда ташкил этилди. Болалар маънавий тадбирларда деворий газеталар, турли миллий урф-одатлар акс эттирилган буклетлар тайёрлаш жараёнида иштирок этиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам, таълим-тарбия тизимининг йўналиш ва тамойиллари жиҳатдан ҳам, хўжалигининг таъминоти жиҳатдан ҳам, тиббий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ҳам давлат томонидан таъминланади. Қолаверса, уларнинг барча ҳуқуқлари махсус конунлар орқали кафолатланган. Бу эса меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини психосоциал қўллаб-қувватлашнинг асосларини ташкил этади.

Яқунловчи босқич жараёнида тарбиявий фаолият шакллариининг самарали қўлланишига доир тажриба ўтказилди. Дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мустақил фаолияти йўлга қўйилиб, мурувватлилик ва саховватлилик ижобий фазилатларини шаклланганлик даражаси таҳлил қилинди.

Тарбияланувчилар билан олиб борилган психопрофилактик коррекцион психодиагностик ривожлантирувчи ишлар меҳрибонлик уйи тарбиячиси ва психология олдига янги вазифалар қўяди ҳамда бу ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг руҳий ҳолатини барқарорлиги, руҳий соғломлигини яхшилашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини психосоциал қўллаб-қувватлашда тарбиячилар психолог доимий турли вазиятларда амалий машғулотларда, машғулотлардан бўш пайтларда тарбиявий тадбирлар, психологик тренинглар ўтказиб уларни психосоциал қўллаб-қувватлаб борадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2012й. 39 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 1997 й
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Шарқ. 1997 й 32-62 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011 й.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
6. Абдуваҳобов У. Шахс (Комил инсон ҳақида).- Т.: Ватан, 1996. – 20 б.
7. Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
8. Баркамол авлод орзуси //Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998. – 184 б.
9. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун //Тафаккур ж. 2–сон.– 11-17-б.
10. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси /Масъул муҳаррир К.Н.Шониёзов. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 320 б.
11. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар /Масъул муҳаррир: Н.Комилов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998. – 240 б.
12. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – 134 б.
13. Маҳмудов Т. Инсон ва маънавият //Гулистон ж. 1997. 3-сон. – 6-8-б.
14. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият /Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари асосида.- Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2001. – 160 б.
15. Миллий урф-одат, маросим ва анъаналарнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни //Назарий-семинар матер. – Т.: Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, 1999. – 92 б.

16. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси.- Т.: Ўқитувчи, 1996. 192 б.
17. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни тарбиялаш бугунги кун талаби.”Истиқлол ва фан тараққиёти”. Мақолалар тўплами. Андижон., 1995й.
18. Педагогика тарихидан хрестоматия. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 42 б.
19. Исимова А. Б. “Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари” номзодлик дисс., -Т., 2004й.
20. Фахруддин, Ибн Ризоуддин. Насихат. – Т.: Чўлпон, 1993. – 96 б.
21. Маънавият ва ёшлар. – Тошкент.: “Абу матбуот-консалт”.: 2008 й.
22. Ўзбек педагогикаси антологияси //Тузувчи-муаллифлар. К.Ҳошимов, Очилов С. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 460 б.
23. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепцияси. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 16 б.
24. Ҳасанов Солий “Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида”.Т.: Ўқитувчи 1993й.142 бет.
25. Ҳошимов К. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
26. Йўлдошев Ҳ.Қ. Меҳнат – тарбия воситаси. –Т.: Ўқитувчи. ,1989 й.
27. Шайхова.Х Меҳнат ва ахлоқий камолот.-Т.: “Ўзбекистон”. 1990 й.
28. Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. Дарслик. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. – 232/
29. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
30. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
31. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
32. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли: Социология фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2005.

- 33.Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: «Шарқ», 2004.
34. Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- 35.Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
36. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. – Т.: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти», 2009.
37. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Т.: «Маънавият», 1999.
- 38.Ўрта Осиёда педагогик фикр таракқиётидан лавҳалар // Зуннунов А., Хайруллаев М., Ҳотамов Н., Шодиев Д. – Т.: «Фан», 1996.
39. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима/Таржима ва изоҳлар муаллифи: А.Мансур. – Т.: «Шарқ нашриёт-матбаа концерни», 1992 йил.
40. Ҳабибуллаев А. Навоий пандномаси: «Маҳбуб-ул-қулуб». – Т.: «Фан», 1996.
41. Ҳадис. IV. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) /Арабчадан А.Абдуллоҳ тарж. – Т.: «Қомуслар Бош таҳририяти», 1992.
42. Ҳаққул Иброҳим. Тасаввуф ва шеърият. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1991.
43. Ҳожимуҳаммедова Д. “Бўлажак ижтимоий иш ҳодимида мурувватилилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш”. – Т.: Услубий қўлланма.“Фан ва технологиялар” нашриёти, 2013 йил .
44. Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 2010.
- 45.“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти.Тошкент – 2003. 635 б.
46. Махмудов М. Комил инсон шахси ва ижтимоий тарбия // “Педагогик маҳорат”, 2002й.

47. Нишонова З. Психологик хизмат Тошкент “Фан ва технологиялар”, 2012 й.
48. Хайдаров Ф. Халилова Н. Умумий психология Тошкент 2017 й.
49. Нишонова З. Асомуддинова Ш. Психологик маслахат Тошкент 2010

Интернет материаллари

50. www.ziyonet.uz
51. www.edu.uz
52. www.pedagog.uz
53. www.bookmo.uz
54. www.kelajak.uz

И Л О В А Л А Р

1- Илова

Глоссарий

Меҳрибонлик уйлари – етим ва ота-оналарининг ёки боқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болалар учун давлати томонидан очилган таълим тарбия муассасаси. Етим ёки қонуний васийлар қарамоғида бўлмаган болалар, ота-оналари суд ҳукми билан ота-оналдик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-оналари воз кечган болаларн учун ташкил қилинган. Меҳрибонлик уйларида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаши ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади.

Ижтимоий-педагогик фаолият – ижтимоий фаолият кўринишларидан бири бўлиб, у махсус педагогик маълумотга эга мутахассис томонидан муайян тоифадаги шахслар (имконияти чекланганлар, муҳтож субъектлар)га ижтимоий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, тузатиш ва қайта тиклаш орқали шахсий ва ижтимоий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади.

Ижтимоий тарбия – болада ижтимоий аҳамиятга молик фазилатларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ижтимоий тарбия тарбиявий таъсирнинг аниқ мақсад асосида амалга ошириладиган, оила тарбияси, маҳалла тарбияси, мактаб тарбияси, ўрта махсус ва олий таълим тарбияси, меҳнат жамоаси тарбияси, жамоатчилик тарбияси каби тарбия институтларини қамраб оладиган мураккаб маънавий-маърифий жараёндир.

Ижтимоий сиёсий фаоллик - миллий ўзлигини англаган, миллий умуминсоний қадриятларнинг мазмун моҳиятини идрок этадиган, ўз манфаатларини жамиятда давлат манфаатлари билан уйғун тарзда тассаввур эта олади, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга жамият ва давлат олдидаги

бурчларини ҳам англаб етадиган ва амалий фаолиятларида ана шу хусусиятларини намоён эта олади.

Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларига - доир яхшилик, инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, бағрикенглик, яхшилик, эзгулик, кўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, жасурлик каби сифат ва хусусиятлар ижтимоий ходим касбий компетентлигининг муҳим мезонларидир.

Фуқарорлик маъсулияти – жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ғалаба, ютуқ ва мувофақиятларга фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиши.

Маданият – дунё тўғрисидаги тасаввурлар бойликлари ва муайян турмуш тарзининг умумийлиги билан боғлиқ одамлар учун умумий ахлоқ қоидалар тизими.

Тарбия – маънавий манбаалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўқиқтувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро оммавий ва назарий мулоққотидир.

Тарбия жараёни – тарбия жараёнини моҳияти ва жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда бекиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу ҳатти – ҳаракатини аста-секин кўникмага айлантириб бориш лозим.

Тарбия мақсади – талаба-ёшларда миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантиришда илмий педагогик тадқиқот методлари қўлланилади.

Тарбиячи - “эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади” (Конфуций)

2-илова

“Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш юзасидан суҳбат саволлари:

Т/р	Саволлар
1	Ўзбекистон халқи қадимдан муҳтожларга беғараз ёрдам бериш ғоясини ахлоқий маданиятнинг асоси эканлиги қандай?
	Мурувват ва саховат моддий ва маънавий шаклга эга ижтимоий-ахлоқий қадрият сифатида эканлигини айтинг?
2	“Мурувватлилик ва саховатлилик” нима учун керак?
3	Мурувватли ва саховатли шахснинг қандай хусусиятларини биласиз?
4	“Саховатлилик” деганда нимани тушунасиш?
5	Мамлакатимиздаги тинчлик осойишталикни асрашда сизнинг маъсулиятингиз нималардан иборат?
6	Сизнингча “Мурувватлилик ва саховатлилик” фазилатининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
7	Ёшларда мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришида ОАВ ўрни нималардан иборат?
8	Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришда дарсдан ташқари фаолиятнинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?
9	Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатлари халқимиз табиатига хос деганда нималарни тушунасиш?
10	Миллий маданиятимизнинг такомиллашувида ёшларнинг ўрни нималардан иборат?

Ибратли ривоят**Олим Муҳаммад расул Расулий айтади:**

Куз кунларидан бир кун саксон ёшга кирган бир чол ёғоғдан ясалган уйда ўтирганди. Ниҳоятда қариганлигида унинг соч-соқоли жуда оқорган бўлса ҳам, юзи тўла, бели бақувват ва қўллари чайир, ҳамма аъзолари саломат эди. Чолнинг қаршисида унинг набира ва эваралари ўйнаб юрганди.

Шу пайт бир йигий келди-да, чолга салом бериб, унинг хол-аҳволини сўради. Чол билан бир оз сўзлашиб ўтиргандан кейин ундан шунча ёшга етган бўлса ҳам, ёш йигитлардек қувватли ва ғайтарли эканини сабабини сўради. Чол у йигитга:

- Отам-онам ёшлигимдан бошлаб кун чиққунча ўрнимда ялқовланиб ётишга рухсат бермади. Шунинг учун эрталаб дарҳол ўрнимдан туришим билан бир иш билан машғул бўлдим, иш ва меҳнатдан сира қочмадим, эринмадим. Ишга ихлос билан берилиб, уни ўлда-жўлда қолдирмасдан тўла-тўқис бажаришга ғайрат қилдим. Бутун умримни иш ва меҳнат билан ўтказдим. Иш-меҳнат бутун аъзойимни қувватли қилди, менга узок умр, саломатлик бағишлади. Энди ўғилларим ва набираларимни иш-меҳнатга ўргатиб турибман. Агар сен ҳам мендек кўп яшашни, қувватли ва соғ-саломат бўлиб умр кечиришни истасанг, иш меҳнатдан асло тортинма. Ҳар вақт ихлос билан берилиб иш қил, ялқовликдан йироқ бўл, - деб жавоб берди.

“Керакли сўзларни топиб қўйинг” методикаси

Тренингнинг мақсади: тарбияланувчиларда гуруҳдошларига нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш.

Тренингнинг бориши:

I. Тарбиячи тарбияланувчиларга бир варақ қоғоз олиб, доскага ёзилган қуйидаги гаплардаги тушириб қолдирилган сўзларни топиб ёзишни сўрайди.

1. Мен кўпроқ инсонлардагиқадрлайман.
2. Мен ўз тенгдошларимни учун ҳурмат қиламан.
3. Мен ўз тенгдошларимни учун ҳурмат қилмайман.
4. Мен ўзимда кўпроқфазилатларни акс эттиришни хоҳлайман.
5. Менинг ҳаётдаги энг асосий мақсадим – бу
6. Мен исталган қарорни чиқаришда асосланаман.
- 7.

II. Ўқувчилар индивидуал тарзда гаплардаги керакли сўзларни ёзиб бўлишгандан сўнг, дастлаб жуфтликларда ва сўнгга гуруҳларда ўз фикрларини бир-бирлари билан ўртоқлашдилар.

III. Гуруҳларда муҳокама қилиш учун ажратилган вақт тугагач, ўқитувчи доскага қуйида кўрсатилганидек, “Тоифалаш жадвали”ни чизади ва уни гуруҳларда тўлдиришни сўрайди.

Биз қадр- лаймиз.....	Биз ҳурмат қиламиз...	Биз ҳурмат қилмаймиз....	Биз эри- шишни истаган фази- латлар....	Бизнинг мақсади- миз...	Биз таянадиган асослари...

IV. Ҳар бир гуруҳ ўз тоифалаш жадвалларини тўлдириб бўлишгач, алоҳида-алоҳида тақдимот қиладилар.

5 - илова

“Фикр билдириш...” методикаси

Тренингнинг мақсади: тарбияланувчиларда турли вазиятларни таҳлил этиш орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини шакллантириш.

Тренингнинг бориши:

I. Тренер дастлаб ўқувчиларга қуйидаги ижтимоий-сиёсий мазмунига эга вазиятларни тақдим этиб, уларга “ҳар доим”, “баъзан”, “қисман”, “ҳеч қачон” жавобларини беришни тавсия этади:

1. Мен давлат ва жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларимни билишга интиламан.
2. Мен ижтимоий-фаоллигимни доимо намоён этаман.
3. Мен ўз тасаввурларимда давлат сиёсий жараёнларига ва сиёсий ходисаларга фаол муносабатда бўла оламан.
4. Мен миллий ва умуминсоний қадриятларимизни ҳурмат қиламан.
5. Мен бошқа миллат хусусиятларини билишга қизиқаман.
6. Мен миллий тафовутларга толерант муносабатда бўламан.
7. Мен ўзгача нуқтаи назарни ҳурмат қиламан.
8. Мен ўз нуқтаи назаримни тўғри ва асосли баён қила оламан.
9. Мен суҳбатдошимни эмпатик қабул қила оламан.

II. Ўқувчилар вазиятларни индивидуал тарзда таҳлил этиб бўлишгач, дастлаб жуфтликларда, сўнгра гуруҳлар бирлашиб, вазиятлар берилган жавобларни муҳокама этишади ва умумий қарорлар қабул қилинади.

“Контакт” – жамоавий ҳикоя тузиш тренинги.

Тренинг мақсади:

- 1) иштирокчиларни бир-бири билан таништириш;
- 2) дўстона муносабатни ва ижодий муҳитни юзага келтириш;
- 3) тарбияланувчилар ўртасидаги руҳий тўсиқларни енгишга ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: Мазкур тренинг тарбиячи ва тарбияланувчилар жамоасини, унинг табиати, ижодий имкониятлари, қобилиятлари, ишга муносабатлари, шунингдек, педагогик жараёнда ким билан қандай ишлашни, нимага эътибор беришни, кимга нимада ёрдам беришни, кимни қувватлашни ва ш.к.ларни билишга имкон яратади.

Машғулоти ўтказиш тартиби. Машғулоти бошланишидан олдин тарбиячи илтимосига кўра тарбияланувчилар хонанинг киравериш жойида махсус столга тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган қоғозлардан биттадан танлаб оладилар (рақамли қоғозлар ўқувчилар сони бўйича тайёрланади) ва доира шаклида қўйилган стулларга бориб жойлашадилар.

Тарбияланувчилар ўз жойларини эгаллагач, тарбиячи улар билан тузиладиган ҳикоянинг мавзусини келишиб олади ёки тарбиячининг ўзи бирон бир мавзу таклиф этади (ҳикоя мавзуси тарбияланувчиларнинг ёши, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда саргузаштли, ҳаётий ёки ёшлар ҳаёти, одоб-ахлоқи ҳақида бўлиши мумкин).

Машғулоти тарбияланувчилардан бирининг бирон бир мавзу ёки танланган мавзу асосидаги ҳикоясидан бошланиши мумкин (унча фаол бўлмаган гуруҳларда мавзу бўйича ҳикояни тарбиячининг ўзи бошлаб бериши мумкин). Ҳикояни бошлаган тарбияланувчи, унинг энг қизиқарли жойида сўзлашдан тўхтаб, “Ҳикоянинг давоми рақамли тарбияланувчида” дейди. Рақами кўрсатилган тарбияланувчи ҳикояни (воқеани) тўхтаган жойидан (мавзудан чиқмаган ҳолда) бошлаб давом эттиради. Бу тарбияланувчи ҳам аввалги тарбияланувчи каби ҳикоянинг энг қизиқарли жойида тўхтаб “Ҳикоянинг давоми рақамли ўқувчида” дейди. Мас рақам кўрсатилган тарбияланувчи ҳикояни (воқеани) келган жойидан бошлаб давом эттиради. Ҳикояни сўзлаш, давом эттириш даврадаги тарбияланувчиларнинг ҳар бири иштирок этмагунча, шу тариқа давом этади.

Тарбиячи тарбияланувчиларнинг сўзлаётган ҳикоялари бир-бирига мантқан боғлиқ ва мазмунга эга бўлишини кузатиб боради ҳамда мавзудан, мазмундан четланиш бўлса, бу ҳолатни тўғрилаб боради.

7- илова

“Қадам-бақадам” тренинги.

Тренинг мақсади: тарбияланувчиларнинг толерант ҳуқ-атвори эгаллаганлик даражаларини аниқлаш.

Тренингдан кутиладиган натижа: тарбияланувчилар бир-бирига қарама-қарши сўзларни топиш орқали толерант ва интолерант сўзлар билан танишадилар, уларнинг ҳаётдаги ўрнини аниқлайдилар, бу сўзларни ўз фаолиятларида қўллаш даражасини белгилайдилар.

Машғулоти ўтказиш тартиби. Машғулоти “қадам-бақадам” усули асосида ташкил этилади, яъни машғулоти давомида амалга оширилиши керак бўлган ҳар бир иш бир қадам деб олинади ва ҳар бир қадамда тарбияланувчилар бирон-бир фаолиятда иштирок этадилар ёки бирон-бир иш бажарадилар. Мисол тариқасида, “Бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзларни айт” мавзусидаги тарбиявий машғулоти ўтказиш тартибини келтириб ўтиш мумкин:

1-қадам – тарбияланувчилар тарбиячи томонидан тарқатма материалда ёзилган сўзларни диққат билан ўқиб чиқишлари ва ҳар бир сўзнинг қаршисида аҳамияти бўйича қарама-қарши бўлган сўзларни ёзишлари зарур:

Ҳамдардлик –
Раҳмдиллик –
Очиққўнглилик –
Инсонпарварлик –
Зийраклик –
Саҳоват –
Эркинлик –
Адолат –

2-қадам – тарбияланувчилардан ҳар бир сўзга таъриф бериш талаб қилинади.

3-қадам – гуруҳларга бўлиниб, келтирилган сўзлар иштирокида ҳикоя ёки эртак тузиш тавсия этилади.

4-қадам – гуруҳларда бир-бирларининг ҳикоялари (эртаклари) юзасидан савол-жавоблар ўтказилади.

5-қадам – гуруҳ ишлари ўзаро баҳоланади.

6-қадам – тарбиячи машғулоти якунлайди.

“Панорама” тренинги.

Тренинг мақсади: машғулоти тарбияланувчиларни аниқ бир муаммони яқка ҳолда (ёки кичик жамоа бўлиб) фикр юритиб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан зарурини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: тарбияланувчилар эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга; жамоа бўлиб ишлашга, изланишга; фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулар бўйича эгаллаган билимларини қўллай олишга ўрганадилар.

Машғулоти ўтказиш тартиби. Тарбиячи машғулоти ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидлар, хатарлар: халқаро террорчилик, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар тажовузи, ОИТС, эгоцентризм, ахлоқсизлик фалсафаси, “Дунё фуқаролари” — космополитизм ва уларга нисбатан қарши қўйиш: фарзандларни асраш, ҳушёрлик, ёшларни ғоявий қуроллантириш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш, таҳдидлар моҳиятини оддий сўзлар, ҳаётий мисоллар билан тушунтириш, миллат келажаги учун масъулиятни шакллантириш, ирода, эътиқодни мустаҳкамлаш, онгли яшашга ўргатиш, ахборот тажовуз моҳиятини очиқ бериш, никоҳни мустаҳкамлаш кераклиги ҳақида маълумот беришдан бошлайди. Тарбиячи машғулотнинг асосий мавзуси бўйича йўналтирувчи

сўзида, ҳозирги кунда ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтиришга катта эътибор қаратилаётгани, чунки мафкуравий иммунитет — бегона, зарарли ғоялар, мафкуралар билан тўқнаш келганда, унга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш, унга қарши курашишга ғоявий, маънан тайер бўлиш имконияти эканлиги, ҳар бир одам, аввало, ҳар бир ёш ўзининг мустақил фикрига эга бўлмагунча бундай иммунитетни шакллантириб бўлмаслиги ҳақида фикр билдиради ва пгу сабабдан бугунги тарбиявий машғулотнинг мазмунини “Замонанинг глобал муаммолари” мавзуси орқали ёритиш зарурлигини тушунтиради.

Тарбиячи кириш сўзидан сўнг, тарбияланувчиларнинг умумий сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (кичик гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани мақсадга мувофиқ). Сўнггра, у тарбияланувчиларга машғулотнинг мақсади ва уни ўтказилиш тартибини тушунтиради. Ҳар бир кичик гуруҳга аввалдан тайёрланган таркатма материалларни таркатади. Тарбиячи кичик гуруҳ аъзоларини таркатма материалда берилган жадвалда ёзилган асосий фикр “Исон одоби билан гўзал” мавзусига киритилган одоб ахлоқга оид маълумотлар билан танишиб чиқиш ва улардан биттасини танлашни талаб этади. Танлаган муаммолари бўйича ажратилган бўлимга ўз фикр-мулоҳазаларини биргаликда ёзма баён этишларини сўрайди, уни бажаришга уларнинг ўзаро муносабатларини чизиклар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши ҳолатлари ишлаб чиқилади.

